

ЭР-ХОТИНИНГ ЎЗАРО МЕРОС ҲУҚУҚЛАРИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Абдувоситхўжа Абдувосикхўжа ўғли БОИСХЎЖАЕВ

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

abduvositxoja@mail.ru

Аннотация

Маколада мавжуд мулкӣй режимлар ва эр-хотиннинг ўзаро мерос ҳуқуқларини хорижий давлатлар (Англия, Франция, Германия, Нидерландия, Голландия) қонунчилиги асослари ҳамда амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга миллий қонунчилик нуқтаи назаридан эр-хотин ўртасидаги мерос масалаларининг амалиётда ва суд тизимида қўлланилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимига оид имкониятлар муҳокама қилинади.

Таянч сўзлар: мулкӣй режим, мерос, эр-хотин, мерос ҳуқуқи, узурфрукт, меросхўр, мерос олиш ҳуқуқи, фарзанд, никоҳ, никоҳ шартномаси, мерос қолдирувчи, биргаликдаги мулк.

ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ВЗАИМНЫМ НАСЛЕДСТВЕННЫМ ПРАВАМ СУПРУГОВ

Абдувоситхўжа Абдувосикхўжа углы БОИСХУЖАЕВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

abduvositxoja@mail.ru

Аннотация

В статье проанализированы существующие имущественные режимы и взаимные наследственные права супругов на основе законодательства и практических аспектов зарубежных стран (Англия, Франция, Германия, Нидерланды, Голландия). Кроме того, рассматриваются проблемы, связанные с применением вопросов наследования между супругами с точки зрения национального законодательства, а также возможные пути их решения в практике и судебной системе.

Ключевые слова: имущественный режим, наследство, супруги, право наследования, узурфрукт, наследник, право на наследство, ребёнок, брак, брачный договор, наследодатель, совместная собственность.

Мавжуд мулкӣй режимлар ва эр-хотиннинг ўзаро мерос ҳуқуқлари, эр-хотин мероси ёки унинг бир қисми (оилавий уй-жой, маиший буюмлар ва бошқалар) бўйича узурфрукт олувчи шахсдан тортиб, меросхўрнинг аксарият

қариндошларини сиқиб чиқарувчи асосий меросхўргача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди. Бунинг ижтимоий сабаблари энг аввало, аёллар камситилишининг бартараф этилиши билан боғлиқ: энди оила отадан сўнг ўғиллар она ва сингилларга моддий васийлик қиладиган эркеклар чизиги бўйича қурилмайди. Бундан ташқари, эр-хотиннинг ҳамкорлиги ва яқинлиги: энди улар севги туфайли уйланадилар, Европа жамиятида никоҳ тузиш фақат авлодни давом эттириш ва унинг бойликларини кўпайтириш усули сифатида қабул қилинмай қўйди. Иқтисодий сабаблар ҳам бор. Бойликларнинг келиб чиқиш манбаи аجدодлар ёки бошқа қариндошлар эмас, балки шахсий қобилиятлар бўлмоқда. Бинобарин, эр-хотин учун бошпанани сақлаб қолган ҳолда қон-қариндошлар томонидан мерос олишни асословчи мақсадлар йўқолмоқда. Натижада, эр-хотин фарзандлар билан биргаликда энг исталган меросхўрлардан бирига айланади. Содир бўлган ўзгаришлар янги саволларни келтириб чиқаради: узуфруктдан мерос улушига ўтиш ва унинг тирик қолган эр-хотинда шаклланган ҳаёт тарзини сақлаб қолишга таъсири; эр-хотин мулки режимининг мерос ҳуқуқларига таъсири; меросхўрнинг ота-онасининг оилавий келиб чиқишга эга бўлган мулкни имтиёзли мерос олиш ҳуқуқи; тирик қолган эр-хотиннинг мерос ҳуқуқларини тугатиш пайти. Бошқача айтганда, қонун чиқарувчидан турмуш тарзини ёмонлаштирмасдан ва меросхўрнинг қариндошларини камситмасдан эр-хотинга мерос улушини бериш талаб этилади. Бу масалалар хорижий мамлакатларда қандай ҳал қилинишини кўриб чиқамиз.

Англия ва Уэлсда эр-хотин мулкининг қонуний режими никоҳ даврида орттирилган мулкни тақсимлаш ҳуқуқисиз алоҳида мулк режими ҳисобланади. Бу энг оддий режим бўлиб, айтиш жоизки, у ислом ҳуқуқида ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам мавжуд бўлган. Бироқ, инглиз суди адолат ҳуқуқига асосланиб, эр-хотиндан бирининг мулкини ҳар иккаласи манфаати учун конструктив трастда деб эътироф этиши мумкин. Уй-жой ва банк ҳисобварағидаги маблағлар борасида эр-хотин кўпинча survivorship режимини танлайди. Бу режимнинг бир кўриниши шундан

иборатки, эр (хотин) вафот этганидан сўнг, унинг мулки меросга киритилмайди, балки тирик қолган хотин (эр) мулки сифатида сақланиб қолади. Инглиз ҳуқуқига кўра, танланган мулкый режим хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқи ҳажмига таъсир ўтказмайди. Бироқ, survivorship ҳуқуқига эга бўлган хотин (эр) мерос ҳуқуқи бўйича тенг ҳуқуқ берилишининг адолатли эмаслиги ҳақида мунозаралар мавжуд.

2014 йилдан бошлаб, мерос қолдирувчининг ворислари билан биргаликда мерос оладиган тирик қолган хотин (эр) устувор тарзда 250 минг фунт стерлинггача бўлган қийматдаги мол-мулкни (статут улушини) олиш ҳуқуқига эга. Бу қоида Англияда кўчмас мулк нархи доимий равишда ошиб бориши билан изоҳланади. Тирик қолган хотин (эр) оилавий уйни шахсий мулки сифатида сақлаб қолиш имкониятига эга бўлиши лозим. Статут улушидан ташқари, хотин (эр) уй жиҳозлари бўйича ҳам устувор ҳуқуққа эга. Мерос қолдирувчининг ворисларига нисбатан эса, хотин (эр) мероснинг тоза қолдиғига нисбатан ярим улушни олиш ҳуқуқига эга. Эслатиб ўтиш жоизки, инглиз ҳуқуқига кўра, мерос мол-мулки аввал шахсий вакилига статут трастига ўтади ва қарзлар тўланганидан кейин тоза қолдиқ ворислар ўртасида тақсимланади. Хотин (эр) иккинчи ва кейинги даражадаги қариндошларни бутунлай мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади (бунинг шарти шундаки, тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчидан камида 28 кун кўпроқ яшаши керак) шу муддатгача статут трасти аввало фарзандлар фойдасига, агар улар бўлмаса, мерос қолдирувчининг ота-оналари фойдасига мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, Англияда тирик қолган эр ёки хотин мерос қолдирувчи мулкнинг катта қисмини олиш имкониятига эга бўлади.

Францияда қонуний мулкый режим никоҳ давомида орттирилган мулкнинг эр-хотин учун умумий мулк сифатида тан олинишини назарда тутади. Шу билан бирга, турли мулкый тақсимот вариантларига йўл қўювчи никоҳ шартномалари кенг тарқалган.

Мерос очилган тақдирда, тирик қолган хотин (эр) одатда умумий мулкдаги ўз улушини сақлаб қолади. Франция ҳуқуқига кўра, танланган

мулкий режим турмуш ўртоғининг мерос ҳуқуқлари ҳажмига таъсир қилмайди.

2001 йилдан бошлаб, агар тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчининг фарзандлари билан бирга мерос олаётган бўлса, у қуйидаги икки вариантдан бирини танлаш ҳуқуқига эга: 1) тўртдан бир улуш; 2) бутун мулк бўйича узурфрукт (умрбод фойдаланиш ҳуқуқи).

Агар мерос қолдирувчининг тирик қолган турмуш ўртоғи билан умумий бўлмаган фарзандлари бўлса, танлаш ҳуқуқи берилмайди – бундай ҳолда, турмуш ўртоғи мероснинг тўртдан бир қисmini олади.

Бу фарқнинг сабаби нима? Узурфрукт қариндошлар ўртасидаги муносабатларда макбул вариант бўлиши мумкин, аммо бегона шахслар билан бу ҳуқуқ низоларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолатлардан қочиш учун муайян улушни белгилаш ғояси муҳим аҳамиятга эга.

Айрим оилаларда фарзандлар сони кўп бўлиши мумкин, бундай вазиятда турмуш ўртоғи ва болаларнинг меросни тенг улушларда олиши турмуш ўртоғи учун мавжуд турмуш шароитини сақлаб қолишга етарли бўлмаслиги мумкин (агар мерос қолдирувчининг тирик қолган турмуш ўртоғи бўлса, мерос очилишидан олдин вафот этган ота-онанинг улуши унинг ворисларига ўтмайди, балки турмуш ўртоғининг улушига қўшилади).

Агар мерос қолдирувчининг фарзандлари бўлмаса, аммо унинг ота-онаси тирик бўлса, ҳар бир ота-она мероснинг тўртдан бир қисmini олади, қолган қисми эса тирик қолган турмуш ўртоққа ўтади. Мерос қолдирувчининг бошқа қариндошлари эса умуман мерос ололмайди.

Англиядан фарқли ўлароқ, Францияда тирик қолган хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқлари унчалик кенг эмас. Шу сабабли, хотин (эр) мерос орқали мавжуд уй-жой шароитини сақлаб қолмаслиги хавфи мавжуд. Шу боис, француз ҳуқуқ тизимида оилавий уйдан ва уй-рўзғор буюмларидан фойдаланиш бўйича қўшимча имтиёзлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини васият орқали ўзгартириб бўлмайди.

Хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқларини кенгайтириш муқаррар равишда марҳумнинг қариндошлари ҳисобига амалга ошади. Шу муносабат билан француз мерос ҳуқуқи мерос қолдирувчининг қариндошларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмларни жорий этган. Оилавий келиб чиқишига эга бўлган мулк, яъни мерос ёки мерос қолдирувчига берилган совғалар, агар уни ворислар қолдирмаган бўлса, ота-онанинг талаби билан қайта олиб қўйилиши мумкин (бунинг қиймати ота-онанинг мерос улуши ҳисобидан чиқарилади). Агар ота-оналар вафот этган бўлса, оилавий келиб чиқишига эга бўлган мулк тирик қолган хотин (эр) ва мерос қолдирувчининг ака-укалари, опа-сингиллари ёки уларнинг ворислари ўртасида тенг тақсимланади. Хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқи никоҳнинг бекор қилиниши жараёни якунланган пайтдан бошлаб тугайди.

Германияда эр-хотин мулкнинг қонуний режими – кечиктирилган умумийлик режими ҳисобланади. Бу шуни англатадики, никоҳ давомида эр-хотиндан ҳар бирининг мол-мулки алоҳида сақланади, лекин никоҳ тугаган тақдирда, мулкнинг қийматидан ортиган қисми тақсимланиши мумкин. Эр-хотин қонуний режимни ўзгартиришлари ва мулкнинг қийматидан ортиғи умумий бўлишидан воз кечишлари ёки мулкнинг тўлиқ умумийлигини, шу жумладан, эр (хотин) вафот этганидан кейин ҳам давом этиши шарти билан белгилашлари мумкин. Адабиётларда яна бир модификацияланган қонуний режим ажратиб кўрсатилади. Бу режимда эр-хотин никоҳ бекор қилинган тақдирда мулк қиймати ортиши тенглаштирилишини бекор қиладилар ва шу билан бирга, тирик қолган хотин (эр) қонуний тарзда тўртдан бир улушни мерос қилиб олиш ҳамда бошқа ворислардан мулк қиймати ортиши тенглаштирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади [3].

Германия мерос ҳуқуқида тирик қолган хотин (эр)нинг мерос олиш ҳуқуқи никоҳдаги мулк режимига боғлиқ равишда фарқланади. Агар умумий мулк режими амал қилса: тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчининг фарзандлари билан биргаликда мерос олса, унинг улуши тўртдан бир ҳиссани ташкил қилади. агар у мерос қолдирувчининг ота-онаси ёки

уларнинг ўрнини босувчи ворислар билан бирга мерос олса, унинг улуши ярим ҳиссани ташкил қилади. Агар мерос қолдирувчининг бобо-бувилари ҳам меросга чақирилса, тирик қолган хотин (эр) улар билан бирга мерос олганида ҳам унинг улуши ярим ҳиссани ташкил қилади. Бундан ташқари, вафот этган бобо-бувиларнинг улуши бошқа ворисларга ўтмайди, балки тирик қолган хотин (эр)нинг улушига қўшилади.

Шунингдек, тирик қолган хотин (эр) умумий мулкка бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади ва тақсимлаш вақтида тоза қолдиқнинг ярмини олади. Агар қонуний режим амал қилса: тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчининг фарзандлари билан биргаликда мерос олса, унинг улуши ярим ҳиссани ташкил қилади, лекин у мулк қийматининг ортиши тақсимланишини талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади. Агар у мерос қолдирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи ворислар билан бирга мерос олса, унинг улуши учдан икки ($\frac{3}{4}$) ҳиссани ташкил қилади. Агар мерос қолдирувчининг бобо-бувилари ҳам ворисликка чақирилса, тирик қолган турмуш ўртоғи улар билан бирга мерос олганида ҳам унинг улуши учдан икки ($\frac{3}{4}$) ҳиссани ташкил қилади. Агар тирик қолган хотин (эр) мулк қийматининг ортиши тақсимланиши ҳуқуқидан фойдаланишни хоҳласа, у меросдан воз кечиши керак. Бироқ, бу ҳолда у мажбурий улушга – ўз ҳаққига тўғри келадиган улушнинг ярмига (тўртдан бирга) бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади (Германия фуқаролик тузукларининг (ГФТ) дастлабки таҳририга мувофиқ, § 1931 1-банди сақлаб қолинган ҳолда, тирик қолган хотин (эр): тўртдан бир ($\frac{1}{4}$) улушга – агар у мерос қолдирувчининг фарзандлари билан бирга мерос олса; ярим ($\frac{1}{2}$) улушга – агар у мерос қолдирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ворислари, шунингдек, бобо-бувилари билан бирга мерос олса, эга бўлади. ГФРда ўсиш умумийлиги режими жорий этилганидан сўнг, тирик қолган хотин (эр)га қўшимча тўртдан бир ($\frac{1}{4}$) улуш берилди. Бунинг мақсади – унинг мулк қиймати ортиши бўйича тақсимот талаб қилиш эҳтиёжини бартараф этиш эди (§ 1371). 1958 йилдаги ислоҳот билан жорий қилинган қоидалар кўпинча танқид қилинади, чунки улар изчил эмас деб ҳисобланади.

Алоҳида мулк режимидаги ўзига хос хусусият шундаки, тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчининг битта фарзанди билан бирга мерос олган тақдирда, унинг улуши ярим ҳиссани ташкил қилади. Агар у иккита ёки ундан ортиқ фарзандлар билан бирга мерос олса, унинг улуши учдан бир ҳиссани ташкил қилади.

Бундан ташқари, қонуний мерос олувчи сифатида тирик қолган хотин (эр) ўз мерос улушидан ташқари уй-рўзғор буюмларини олиш ҳуқуқига ҳам эга. Хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқи куйидаги ҳолатларда бекор қилинади: агар мерос қолдирувчи ажрашиш жараёнини асосли сабаблар билан бошлаган бўлса; агар мерос қолдирувчи ажрашишга розилик билдирган бўлса (тирик қолган хотин (эр) томонидан иш қўзғатилиши унинг мерос ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келмайди, бу мантиқий ҳисобланмайди).

Германияда тирик қолган хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқлари жуда мураккаб тарзда тартибга солинган. Шу сабабли, немис ҳуқуқшунослари бу соҳани ислоҳ қилиш зарур деб ҳисоблайдилар [4].

Нидерландияда қонуний мулк режими умумий мулк бўлиб, у эр-хотиннинг никоҳгача бўлган мулкани ҳам ўз ичига олади. Агар эр-хотин шартнома режимини танламаган бўлса, никоҳ пайтида улар ҳар бирининг мулки эр-хотиннинг умумий мулқига айланади. Ажрашган тақдирда, эр-хотиннинг ҳар бири никоҳ пайтидаги мулкий тенгсизликдан қатъи назар, умумий мол-мулнинг ярмини олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бундай тартибга солиш суиистеъмол қилиш учун асос яратиши мумкин, буни эса суд амалиёти адолатлилик тамойилидан фойдаланган ҳолда бартараф этишга ҳақли бўлади. Масалан, бева аёл Ван Уилик (Van Wylick) сантарга турмушга чиққанида 72 ёшда эди. Эр-хотин мулк режимини ўзгартирмасликка қарор қилишди. Беш ҳафта ўтгач, бева аёл ўлдирилган. Тергов натижасида қотилликни эри содир этганлиги аниқланган. Буюртмачи нолойиқ меросхўр сифатида мерос ҳуқуқини йўқотди. Бироқ, умумий мулкдаги улуш сақланиб қолди. Суд ўша пайтда Нидерландиянинг позитив ҳуқуқида

мустаҳкамланмаган виждонлилик тамойилига асосланиб, умумий мулк ҳуқуқини рад этди [5]

Голландиянинг янги мерос қонуни хотини (эри)га ўтадиган мол-мулкнинг етарлилиги масаласини қизиқарли тарзда ҳал қилди (Голландия Фукаролик кодексининг 4:13-моддаси). Тирик қолган хотин (эр) ягона меросхўр бўлиб, суиистеъмолликка йўл қўймасдан меросни тасарруф этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бунда васият қилувчининг авлодлари мулкӣ даъвога эга бўлиб, уни “музлатилган”деб аташ мумкин. Улар эр (хотин) вафот этганидан кейин ёки бошқа ҳолатлар, масалан: эр (хотин)нинг банкротлиги; янги никоҳга кириши; васиятномада кўрсатилган бошқа ҳолатлар юзага келганда ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Тирик қолган хотин (эр) васият қилувчининг қолган қариндошларини қайтариб бўлмайдиган тарзда алмаштиради. Шимолий Европа давлатлари ҳам худди шундай йўлдан бормокда (Швецияда тирик қолган хотин (эр) асосий меросхўрга айланади ва умумий авлодлар кейинги меросхўрлар сифатида тан олинади. Хотин (эр) мерос қилиб олинган мол-мулкни васият қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланмайди; унинг ўлиmidан сўнг, содир бўлган алмаштиришни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки мол-мулкнинг кейинги мероси содир бўлади. Дания ва Норвегияда тирик қолган хотин (эр) “uskifte” деб номланган ҳуқуқ остида биргаликдаги мулкни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга. Алоҳида мулк режимини ўрнатадиган эр-хотин ўртасидаги келишувга биноан uskifte сақланиши мумкин. Омон қолган хотин (эр) вафот этганидан кейин эр-хотиндан кейин қолган барча мол-мулк биринчи васият қилувчининг меросхўрларига (авлодлари, ота-оналари ва уларнинг авлодлари – хотин (эр) қолган меросхўрларни алмаштиради) ва тирик қолган хотин (эр)нинг меросхўрларига ўтказилади. Умумий бўлмаган болалар борлигида тўлиқ uskifte ўрнатиш уларнинг розилигини талаб қилади.

Миллий қонун чиқарувчи танланган режимга қараб тирик қолган турмуш ўртоғининг мерос ҳуқуқлари ҳажмини фарқламайди. Баъзи мамлакатларда камроқ фойдали никоҳ мол-мулки режимини танлаган тирик

қолган хотин (эр)га кўпроқ мерос ҳуқуқларини тақдим этиш учун қилинган уриниш мерос ҳуқуқини жиддий равишда мураккаблаштиради. Умумийлик режимида тирик қолган турмуш ўртоғи умумий мулкнинг ярмини ўзида сақлаб қолади ва меросхўрликка чақирилади.

Ўзбекистон ҳуқуқига кўра эр (хотин) вафот этган пайтда биргаликдаги мол-мулкнинг тақдири нима бўлишини узил-кесил айтиш қийин. Бир томондан, мол-мулк умумийлиги режими тугаган, лекин мулкий умумийликнинг ўзи тақсимлангунга қадар мазкур режим барҳам топмаган бўлади. Бу умумийлик қисман “мерос мол-мулки” деб аталадиган бошқа умумийлик таркибига тушади. Мерос массасининг тақсимланиши тирик қолган хотин (эр)нинг биргаликдаги мулкдаги улушини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бошқа томондан, эр (хотин)нинг ўлими билан мол-мулк умумийлиги режимининг тугаши биргаликдаги мулкни улушли мулкка айлантиради деб мулоҳаза қилиш мумкин: ҳар бир объектга бўлган ҳуқуқдаги бир улуш мерос массасига тушади, иккинчисини эса тирик қолган хотин (эр), ўз ҳуқуқларининг далиллари (умумий мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги нотариал гувоҳнома, унда муайян мулк кўрсатилган)ни олгандан сўнг, тақсимлаш ўтказилишини кутмасдан, эркин тасарруф этиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, агар умумийликда оила мулки (масалан, акциялар) бўлса, тирик қолган хотин (эр) мустақил равишда натурада ажратиб олиш (унга тегишли акциялар миқдорини бошқа шахсий ҳисобга ўтказиш) ҳуқуқига эга. Назариётчилар биринчи ёндашувга яқинроқ. У МДХ Намунавий Фуқаролик кодексининг 1149-моддасида акс эттирилган [2]. Амалиётчи ҳуқуқшунослар бундай мураккаблаштиришни ортиқча деб ҳисоблайдилар ва ФКнинг 1153-моддаси иккинчи қисмига ҳавола қиладилар [1]. Фарқнинг амалий маъноси нимада? Мол-мулкнинг умумийлиги режими – бу нафақат ашёга нисбатан биргаликдаги мулк, балки умумий мажбуриятлар ҳамдир. Совет фуқаролик ҳуқуқи иқтисодий сабабларга кўра ушбу жиҳатга эътибор қаратмаган. Энди вазият ўзгарди. Суд амалиёти кредиторлар қарздор бўлган эр (хотин)дан эмас, балки эр-хотиндан қарзни ундириш масаласини

кўядиган низолар сонининг кўпайганини кўрсатмоқда. Суд, агар мол-мулк умумийлиги эр-хотин томонидан биргаликдаги қарзни тўламасдан тугатилган бўлса, солидар ундирув тўғрисидаги даъволарни рад этади. Эҳтимол, тақсимлаш давригача умумийликни сақлашни таклиф қилаётган назариётчилар ҳақдир. Тақсимлаш умумийликка кирувчи қарзлар тўлангандан сўнг амалга оширилиши лозим, кетма-кетликка риоя қилмаслик эса кредиторга нисбатан эр-хотиннинг биргаликдаги мажбуриятининг сақланишига олиб келиши зарур. Тақсимлашгача қайсидир мол-мулкни олиб кетиш ёки сотиш имконияти тўғрисида айтганда, бузувчини дастлабки ҳолатга қайтаришга уриниш самарасиздир. Бундан ташқари, пайдо бўлган инсофли учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари зарар кўрмаслиги керак.

Амалдаги тартибга кўра, эр-хотин мерос қолдирувчининг ота-оналари ва фарзандлари билан бир қаторда биринчи навбатда тенг улушларда мерос олади. Бу мерос қолдирувчининг назарда тутилган иродаси мезонига мос келадими? “Кичик оила” (nuclear family) доирасига кирган ҳолда, хотин (эр) ва фарзандлар энг яқин одамлар ҳисобланади. Демак, Ўзбекистонда, кўплаб Европа мамлакатлари каби, тирик қолган хотин (эр) биринчи навбатдаги меросхўрлар орасида муносиб ўрнини эгаллайди. Амалдаги тартиб биринчи навбатдаги меросхўрларга тенг улушларни тақдим этади.

Қайси бири яхшироқ – белгиланган улушми ёки фарзандлар сонига қараб “ўзгарувчан” улушми? – деган савол туғилади. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳар иккала ёндашув ҳам ифода этилган. Ўзбекистон оилаларидаги фарзандларнинг ўртача сони яшаш ҳудуди ва ота-оналарнинг миллатига қараб жиддий фарқ қилади. Мерос қолдирувчининг бешта фарзанди бўлганда, тирик қолган хотин (эр)нинг мерос улуши олтидан бирини ташкил этади. Албатта, мулк умумийлигидаги ярмини унутмаслик лозим бўлади. Шунга қарамай, эҳтимол, узуфрукт бундай хотин (эр) учун иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ ечим бўлиши мумкин. Лекин узуфрукт даври ўтиб кетди. Тирик қолган хотин (эр)нинг ҳаётий шароитларини сақлаб қолишни улушнинг қуйи чегарасини белгилаш кўпроқ таъминлайди.

Статистик тадқиқотлар мавжуд бўлмаганда, тахмин қилишдан бошқа чора йўқ. Камида учдан бир қисм миқдоридаги белгиланган улуш оқилона туюлади.

Кейинги муҳим савол авлодлар бўлмаган ҳолда хотин (эр) ва ота-оналарнинг мерос ҳуқуқлари нисбатининг масаласидир. Англия, Франция ва Германияда, кўрсатилганидек, тирик қолган хотин (эр) “сирғанувчи” навбатдаги меросхўр ҳисобланади. Миллий мерос ҳуқуқида бундай усул маълум. Меросга чақирилаётган меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар юқорига қараб ҳаракатланади. Бу ерда эса “пастга сирғаниш” юз беради. Ўзбекистонда тирик қолган хотин (эр) томонидан мерос қолдирувчининг ота-оналарини сиқиб чиқариш мерос қолдирувчининг тахмин қилинган иродаси мезонига мос келмаслиги эҳтимоли бор, деб фараз қилиш мумкин. Шундай қилиб, авлодлар бўлмаган ҳолда тирик қолган хотин (эр) мерос қолдирувчининг ота-оналари билан биргаликда меросга чақирилади. Улушларни қандай тақсимлаш керак? Хотин (эр) ва ота-оналарни ярим-яримдан мерос олишга чақириш муросали вариант бўлиб туюлади. Олдин вафот этган ота-онанинг улушини, “кутилмаган омаднинг йўл қўйилмаслиги” қоидасидан келиб чиққан ҳолда, тирик қолганнинг улушига қўшиш мумкин.

Қолган қариндошларни тирик қолган хотин (эр) сиқиб чиқаради, чунки у мерос қолдирувчига бува, буви, ака-укалар ва опа-сингилларга қараганда яқинроқ. Ота-оналар ва бошқа қариндошларнинг манфаати, француз ҳуқуқида аномал мерос ҳоллари деб аталадиган, оила келиб чиқишига эга мулкни қайтариш қоидасини жорий этиш ҳисобидан қўшимча равишда қопланиши мумкин. Амалдаги тартиб хотин (эр)га у яшаган уй-жой ва рўзғор буюмларини мерос улуши ҳисобига олишда имтиёзли ҳуқуқ беради.

Хотин (эр)нинг мерос ҳуқуқлари никоҳ бекор қилинган пайтда тугайди. Бу ерда нима муҳимроқ – шакл ёки мазмун деган савол туғилади. Эр-хотин ажрашганда, улар бир-бирига яқин эмас ва исталган меросхўрлар эмас, лекин никоҳ қандайдир вақт давомида, баъзан сезиларли даражада, ҳали ҳам сақланиб қолади. Оила ҳуқуқида алоҳида яшаш даврида олинган мулкни

умумийлик режими таъсиридан олиб ташлаш имконияти мавжуд. Шунга ўхшаш ёндашув мерос ҳуқуқларини йўқотиш масаласини ҳал қилиш учун ҳам долзарбдир. МДХ Намунавий Фуқаролик кодексининг 1181-моддаси 1-бандида бу ғоядан келиб чиқилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Lex.uz
2. Модельный гражданский кодекс для государств участников СНГ. Модельный Гражданский кодекс для государств-участников СНГ (часть вторая) (принят постановлением Межпарламентской Ассамблеи государств - участников СНГ от 13 мая 1995 г.) | ГАРАНТ. Lex.uz
3. International Estate Planning. Vol. 2. Miamisburg: Matthew Bender, 2015. P. 142 (автор гл. 18 – д-р Х. Ортцен (Dr. Chr. Oertzen).
4. Comparative Succession Law. Vol. II: Intestate Succession / Ed. by K.G.C. Reid, M.J. de Waal, R. Zimmermann. P. 211–215 (8 боб муаллифи – Р. Циммерман (R. Zimmermann)).
5. Milo J.M. Acquisition of Property by Succession in Dutch Law: Tradition between Autonomy and Solidarity in a Changing Society // The Law of Succession: Testamentary Freedom: European Perspectives (= European Studies of Private Law. Vol. 5) / Ed. by M. Anderson, E. Arroyo i Amayuelas. Groningen: Europa Law Pub., 2011. P. 213–214.